

## **“EMU UNIVERSITY” МЧЖ таълим хизматларидан (шу жумладан кириш имтихони) фойдаланиш хақида**

Мазкур ҳужжат "EMU UNIVERSITY" МЧЖ нодавлат таълим муассасасининг (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) тўлов тизимлари орқали ҳақ тўланадиган хизматлардан жисмоний шахслар – Фойдаланувчилар (кейинги ўринларда-Фойдаланувчи) томонидан Фуқаролик Кодексининг 367 – моддасининг ва иккинчи қисми бўйича хизмат кўрсатиш Шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) тузиш учун расмий таклиф (оммавий оферта) ҳисобланади. "CLICK", "PAYME", "UZUM BANK" ва бошқа Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган тўлов хизматларидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 369 – моддаси (кейинги ўринларда-Етказиб берувчи). Фойдаланувчи томонидан ушбу офертада назарда тутилган ҳаракатларнинг бажарилиши унинг қуйидаги шартларга сўзсиз розилигини билдиради (Офертанинг аксепти). Таклиф қабул қилинган пайдан бошлаб (Рўйхатдан ўтиш/регистрация/registration тугмасини босгандан бошлаб) Шартнома тузилган деб ҳисобланади. Мазкур Шартномада аниқ назарда тутилмаган барча нарсаларда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва иш юритиш одатларига амал қилишади.

### **1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР**

1.1. Ушбу Шартномада қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади

**Банк картаси**-онлайн режимда ишлайдиган, Ўзбекистон Республикаси банки томонидан чиқарилган ва етказиб берувчининг тўлов хизматида рўйхатдан ўтган тўлов картаси;

**Шахсий маълумотларни қайта ишлаш**-шахсий маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, ишлатиш, тақдим этиш, тарқатиш, узатиш бўйича бир ёки бир қатор ҳаракатларни амалга ошириш;

**Фойдаланувчи**-ушбу офертанинг шартларини қабул қилган Университет сайтида пуллик хизматларни оладиган, муомалага лаёқатли жисмоний шахс;

**Шахсий маълумотлар**-маълум бир шахсга тегишли бўлган ёки хизматдан фойдаланиш учун Фойдаланувчи томонидан тақдим этилган идентификация қилиш имкониятини берадиган маълумотлар.

**Етказиб берувчи** – «CLICK», «PAYME», "UZUM BANK" тўлов хизматлари бўлиб , Фойдаланувчига «CLICK», «PAYME», "UZUM BANK" хизматлари орқали тўловларни амалга ошириш имконини беради. Онлайн режимда, банк карталарингизни бошқариш, банк картаси орқали онлайн тарзда пул ўтказмаларини амалга ошириш ва бошқа ҳаракатлар қилиш;

**Пуллик хизматни олиш**- Университет сайти Фойдаланувчининг шахсий маълумотлари, рўйхати, нархи ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган тўлов сайтида шакллантирилган электрон ариза; (олинган маблағ имтихон харажатларини қоплашга сарфланади)

**Чек-тўлов**- тўлов амалга оширилгандан кейин электрон хотира тарихида сақланадиган ҳужжат.

## **2. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

2.1. Ушбу Офертани қабул қилиниши:

2.1.1. Сайт орқали, пуллик хизмат олиш йўли билан, рўйхатдан ўтилади.

2.1.2. Фойдаланувчи тўловни амалга оширилгандан сўнг ўқув - интеллектуал платформани ишлаши билан танишиш учун ва синов тестларини топшириш учун электрон профиль олади.

2.1.3. Имтихон ўтказилиш санаси Фойдаланувчига СМС хабар ва электрон хат орқали хабар қилиниши мумкин.

2.1.3. Фойдаланувчи кириш имтихонларини муваффақиятли топширган тақдирда тиббий кўриқдан ўтишга ва барча талаб этилган ҳужжатларни тақдим этишга мажбур.

2.2. Ушбу Шартномани тузишда Фойдаланувчи Етказиб берувчига шахсий маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўз шахсий маълумотларини қайта ишлашга розилик беради. Фойдаланувчи, шунингдек, ушбу Шартномани бажариш мақсадида ушбу Шартнома бўйича Етказиб берувчига тақдим этган ҳар қандай шахсий маълумотларни учинчи шахсларга яъни Университетга, топширишга розилик беради.

2.3. Етказиб берувчи Фойдаланувчига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ Фойдаланувчи шахсий маълумотларининг махфийлигини таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўришни кафолатлайди.

2.4. Хизматдан фойдаланишдан олдин Фойдаланувчи ушбу Офертанинг матни билан тўлиқ танишиб чиқиши керак. Агар таклиф шартларига умуман ёки унинг бирон бир қисмига рози бўлмаса, ушбу хизматдан фойдаланишдан воз кечиши керак.

## **3. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

3.1. Етказиб берувчи Фойдаланувчига электрон тизими орқали тўлов хизматларидан фойдаланиб платформа ва тест синовларидан рўйхатдан ўтиш, Университетда имтихон топшириш имкониятини беради.

#### **4. ХИЗМАТЛАР УЧУН ТЎЛОВ**

4.1. "CLICK", "PAYME", "UZUM BANK" тўлов хизматлари орқали кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов Фойдаланувчи томонидан нақд ёки нақд пулсиз амалга оширилади.

4.2. «CLICK», «PAYME», «UZUM BANK» тўлов хизматлари орқали тақдим этиладиган хизматларнинг умумий қиймати 1 БХМ (базовий ҳисоблаш миқдори)ни ташкил этади, бунда тўлов амалга оширлаётган вақтдаги базовий ҳисоблаш миқдори инobatга олинади. Хизматнинг умумий қиймати Етказиб берувчининг мукофотини ўз ичига олади.

4.3. Фойдаланувчи томонидан хизматни тўлаш хизмат нархининг 100 фоизини ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тест синови натижаларидан қатъий назар рўйхатдан ўтказиш учун амалга оширилган тўлов Фойдаланувчига қайтарилмайди.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Университет:

- Тўловни амалга оширган Фойдаланувчини ўз вақтида рўйхатга олишга, платформага ўз вақтида қўшилишини, имтихон ва тиббий кўрикни сифотли ташкил этишни назорат қилиш мажбуриятини олади;
- Фойдаланувчи шахсий маълумотларини сақланиши, махфийлигини таъминлаш мажбуриятини олади;
- Кириш имтихони билан боғлиқ янгиликларни ўз вақтида ёритиб бориши керак. Фойдаланувчи бунда социал тармоқлар орқали янгиликларни кузатиб бориш мажбуриятини ўз бўйнига олади.

5.2. Етказиб берувчи: .

- «CLICK», «PAYME», «UZUM BANK» тўлов хизматларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мажбуриятини олади, хизматлар ишидаги носозликлар учинчи шахсларнинг айби билан содир бўлган ҳоллар бундан мустасно;
- шахсий маълумотларнинг яхлитлиги ва сақланишини, шахсий маълумотларнинг махфийлигига риоя этилишини, шахсий маълумотларни ноқонуний қайта ишлашнинг олдини олишни таъминлайдиган шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўриш мажбуриятини олади;
- Фойдаланувчиларни «CLICK», «PAYME», «UZUM BANK» тўлов хизматлари янгиликлари ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш мажбуриятини олади, улар учун тўловлар Фойдаланувчиларга тақдим этилади.

5.3. Фойдаланувчи:

- ушбу Офертанинг талабларини бажариш мажбуриятини олади -  
хизматга кириш ва тўловни амалга оширишни мустақил равишда бажариш мажбуриятини олади;
  - «CLICK», «PAYME», “UZUM BANK” тўлов хизматларидан фойдаланиб, у ҳуқуқ лаёқатига эга эканлигини тасдиқлайди ва кафолатлайди, шунингдек «CLICK», «PAYME», “UZUM BANK” тўлов хизматларидан ҳар қандай фирибгарлик ва бошқа ноқонуний мақсадларда фойдаланмайди;
  - Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини етказиб берувчи томонидан олдиндан ёзма розилигисиз учинчи шахсларга беришга ҳақли эмас. Бундай трансферга ҳар қандай уриниш ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.
- 5.4. Университет Офертага бир томонлама тартибда ўзгартиришлар киритиш, бу ҳақда Фойдаланувчини социал тармоқлардаги ахборот хабарларида, СМС-хабар орқали ушбу ўзгаришларни эълон қилиш орқали хабардор қилиш ҳуқуқига эга.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1. Университет ушбу Шартнома доирасида етказиб берувчининг ёки Фойдаланувчининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун жавобгар эмас.
- 6.2. Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгардирлар.
- 6.3. Фойдаланувчи ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида юзага келадиган ҳар қандай йўқотиш ёки бошқа салбий оқибатлар учун жавобгардир.
- 6.4. Фойдаланувчи ҳимояланмаган уланишлардан фойдаланган ҳолда ёки хавфли зарарли дастур ва иловалардан фойдаланган ҳолда қурилмага кирганда шахсий маълумотларининг сақланиши учун тўлиқ жавобгардир.
- 6.5. Етказиб берувчи Шартнома шартларини лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар эмас, агар бундай ҳолатлар Фойдаланувчи томонидан Шартнома шартларини бажармаганлиги натижасида юзага келган бўлса.
- 6.6. Етказиб берувчи Фойдаланувчидан келиб чиқадиган ҳар қандай зарарлар учун жавобгар бўлмайди, чунки Фойдаланувчи ушбу Офертанинг шартларини, шунингдек, тўлов хизматида фаоллаштирилганда пуллик хизматлар оферталарини ўз вақтида танишмаган ва (ёки) кўрмаган.
- 6.7. Етказиб берувчи Шартнома шартларини лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар эмас, агар бундай бажармаслик етказиб берувчининг назорати доирасидан ташқаридаги сабабларга боғлиқ бўлса. Етказиб берувчини назорат қилиш доираси фақат «CLICK», «PAYME», “UZUM BANK” тўлов хизматларининг

ишлаши билан чекланади ва учинчи шахсларнинг айби билан ёки давлат ёки суд органлари томонидан қўйилган тақиқ ва чекловлар туфайли юзага келган носозликлар учун жавобгарликни ўз ичига олмайди

6.8. Ҳар бир томон, Шартномада белгиланган жавобгарлик чекловларини тан олган ҳолда ушбу Шартномани тузишини ва бу чекловлар томонлар ўртасидаги келишувларнинг зарурий асоси эканлигини тан олади, бунда ҳеч бир томон назорати остида бўлмаган ҳар қандай шартлар, шу жумладан ҳукумат фаолияти ёки террористик ҳаракатлар, zilzilalar, ёнғинлар, сув тошқини ёки бошқа табиий офатлар, вазиятлар каби ҳолатлар, иш шароитлари, электр узилишлари ва интернетга уланишнинг бузилиши билан боғлиқ муаммолар учун жавобгар бўлмайди.

## **7. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

7.1. Фойдаланувчи исталган вақтда «CLICK», «PAYME», “UZUM BANK” тўлов хизматларида ҳисобни ўчириб, Шартномани бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга

7.2. Ушбу Шартнома ҳисобни ўчиргандан сўнг дарҳол бекор қилинган деб ҳисобланади. Ушбу Шартномани бекор қилиш, агар бундай хизматлар фаоллаштирилган бўлса, «CLICK», «PAYME», “UZUM BANK” тўлов хизматлари доирасида пулли хизматлар бўйича Шартномаларни бекор қилишни англамайди.

## **8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

8.1. Ушбу Шартномадан келиб чиқадиган ҳар қандай низо музокара йўли билан ёки Фойдаланувчини ёзма мурожаати асосида даъво тартибида ҳал қилиниши керак. Мурожаатни кўриб чиқиш муддати ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланади.

8.2. Агар юзага келган низо томонларнинг келишуви асосида ҳал этилмаса, низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда кўриб чиқиши керак.

8.3. Фойдаланувчилар томонидан киритиладиган эътироз ва даъволар info@emuni.uz ёки Call-марказга телефон орқали қабул қилинади.

## **9. БОШҚА ШАРТЛАР**

9.1. Шартномада аниқ назарда тутилмаган барча нарсаларда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва иш юритиш одатларига амал қилишади.

9.2. Ушбу Офертанинг аксепти билан Фойдаланувчи мазкур Шартноманинг барча шартларига сўзсиз розилигини тасдиқлайди ва уни бажариш мажбуриятини олади